



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 26 апрель, № 85 (8980)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## IV ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли фестиваль қатнашчилари, мухтарам меҳмонлар!

Аввало, сиз, азизларни очик осмон остидаги бетакорор музей шаҳар — қадимий Хивада ўтказилаётган **IV Халқаро бахшичилик санъати фестивали**нинг очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугунги санъат байрамида иштирок этаётган нуфузли халқаро ташкилотлар ва қардош мамлакатлар вакиллари, дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатидан келган халқ ижодиёти намояндалари, атоқли маданият ва санъат арбобларига самимий ташаккурим, юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Саховатли Ўзбекистон заминига, кўҳна Хоразм диёрига хуш келибсиз!

Қадри дўстлар!

Халқаро нуфузи тобора ортиб бораётган мазкур анжуман бу йил кўҳна Шарқ гавҳари — бетакорор Хоразм диёрида ўтказилаётгани унга алоҳида руҳ ва мазмун бағишламоқда. Бу ўлканинг дostonчилик мактаби гоёт қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, “Лазги” каби дунёга машҳур мумтоз куй-қўшиқлари, гўзал рақслари айнан ана шу азим дарёдан озикланиб келмоқда, десак, тўғри бўлади.

Бу қўтлуг заминдан етишиб чиққан Ўзбекистон халқ бахшилари “Бола бахши” — Курбонназар Абдуллаев, “Қаландар бахши” — Рўзимбой Норматов, Абдулла Курбонназаров, Етмишбой Абдуллаев каби ёрқин овоз ва истеъдод со-

ҳиблари томонидан юксак пардаларда куйланган “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Гўрўғли”, “Авазхон”, “Алпомиш” ва “Хиромондали” каби халқ достонлари миллий маданиятимизнинг ўлмас дурдоналари сифатида маънавиятимиз хазинасидан мустаҳкам жой эгаллаганини чуқур миннатдорлик билан эътироф этамиз ва бахшичилик санъатининг бугунги давомчиларига ижодий ютуқ ва равнақ тилаймиз.

Хурматли фестиваль иштирокчилари! Фестиваль кунларида сизлар санъатни чин дилдан севадиган меҳмондўст, бағрикенг халқимиз билан самимий мулоқотлар ўтказиб, юртимизнинг бой тарихи, маданияти ва безавол қадриятлари, табарруқ масканлари, Янги Ўзбе-

кстоннинг бугунги тараққиёт ютуқлари, жумладан, бахшичилик санъатини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, ёрқин таассуротларга эга бўласиз, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, танлов иштирокчилари ҳамда фестиваль доирасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференция ишига муваффақият тилайман.

Энг эзгу ва халқчил ҳис-туйғуларни тараннум этишда сизларга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва илҳом доимо ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**



## ЎЗБЕКИСТОН НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ЎҚУВ МАРКАЗИ БОШҚАРУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛИГИГА САЙЛАНДИ

Шу йилнинг 21 — 25 апрель кунлари Бангкок шаҳрида жойлашган БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун Ижтимоий ва иқтисодий комиссияси (UN ESCAP) нинг 81-йиллик сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ESKATOna аъзо

53 давлат, ассоциациялашган аъзолар ва халқаро ташкилотлардан жами 900 га яқин иштирокчилар қатнашди.

Вазирлар даражасида ташкил этилган тадбир “Осиё ва Тинч океанида ҳеч қандай ортда қолдирмасдан, 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартиби ва унинг БРМга эришиш учун барқарор, инклюзив, илмий ва далилларга асосланган ечимларни илгари суриш” мавзуга бағишланди.

Ўзбекистон тадбирда ESKATOna доимий вакил даражасида иштирок этди.

Сессия доирасида



22-23 апрель кунлари ESKATOning Осиё — Тинч океани Ривожланиш учун ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўқув маркази Бошқарув кенгаши янги аъзолари учун сайловлар ўтказилди.

Сайлов натижаларига кўра илк мартаба Ўзбекистон (Рақамли технологиялар вазирлиги) 2025 — 2028 йиллар учун Осиё — Тинч океани Ривожланиш учун ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўқув маркази Бошқарув кенгаши аъзоси сифатида сайланди.

«Дунё» АА.  
Бангкок

## ИНСОНИЯТНИНГ БОЛАЛИК ҚЎШИҒИ

### ФОЛЬКЛОР — ЖАМИЯТНИ УЙҒОТУВЧИ ҚУДРАТ

Шу йилнинг 26 — 28 апрель кунлари Хива шаҳрида IV халқаро бахшичилик санъати фестивали бўлиб ўтади. Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу тадбир маданий-маърифий ҳаётимиздаги муҳим воқеликлардан биридир. Зеро, мазкур анжуман бахши, оқин ва жировларнинг маҳоратини синовдан ўтказиш учунгина эмас, аввало, халқимизни, дунё жамоатчилигини бугунги кунда унутилиб бораётган ноёб санъат билан яқиндан таништириш, фольклор асарлари моҳиятида ётган миллий, умумбашарий тушунчаларни, эзгу ғояларни қалбларга чуқур сингдириш, тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилмоқда.

### Бизнинг суҳбат

Хўш, фестивалнинг маданий-маънавий ҳаётимизда яна қандай аҳамиятли жиҳатлари бор? Фольклор ўзи нима? Халқимизни, айниқса, ёшларни ушбу нодир санъатга ошўфта этиш учун яна қандай чоралар кўрилиши керак? Атоқли фольклоршунос олим, филология фанлари доктори Шомирза ТУРДИМОВ шу каби саволларга жавоб берди.

— *Хар галги иштирокчи, қолверса, соҳа олими сифатида Халқаро бахшичилик санъати фестивали сизда қандай таассурот қолдиради?*

— Сиз фестиваль ҳақидаги асосий фикрларнинг ўзак нуқталарини айтиб ўтдингиз. Дарҳақиқат, ушбу тадбир, аввало, давлатимиз раҳбарининг ташаб-

буси. Президентимизнинг жамиятни миллий анъаналар ва тарихий ўзликка мос тарзда янгилаш, давлатимизнинг миллий қиёфасини шакллантириш йўлидаги муҳим ислохотларидан бири. Бу борадаги ишлар мамлакатимизда маънавият ва миллий қадриятларимизнинг аҳамиятини янада юксалтириш сиё-

сат даражасига кўтарилганини кўрсатади. Мен 2019 йилдан буён ўтказиб келинаётган ҳар бир фестивалда қатнашаман. Улардаги кўтаринки руҳ, юртдошларимизнинг хуррамлиги халқимиз аслий илдиэларимизга ташна эканини ифодалайди. Яна бир таассуротим шуки, фестиваллар фақат бахшиларнинг дostonларини, термаларини тинглаш билан ўтаётгани йўқ. Уларнинг доирасида халқ оғзаки ижоди ва бахшичилик санъатининг долзарб масалалари муҳокама қилинадиган илмий конференциялар, турли учрашув ва суҳбатлар, ёшлар учун маҳорат сабоқлари ва бошқа тадбирлар ҳам уюштириляпти.

Мазкур нуфузли фестиваль мамлакатимизда мумтоз санъатини, халқ ижодиётининг нодир намуналарини асраб-авайлаш, ўрганиш, янада ривожлантириш ишларига ҳам янгича руҳ бахш эт-

моқда. Кейинги йилларда юртимизда Республика бахшичилик санъати маркази ҳамда Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси, худудларда мазкур йўналишдаги ансамбллар фаолияти йўлга қўйилди. Ёзиб олинган дoston ва термаларнинг “олтин фонди” шакллантирилмоқда. Халқ ижодиёти ёдгорликлари китоб ва тўпламлар ҳолида мунтазам нашр қилинмоқда, илмий экспедициялар ва анжуманлар ташкил этилмоқда. Лўнда айтганда, халқ нақл ва афсоналарида айтилганидек, Хизрнинг тириклик ато қилувчи назари бахшичилик санъатига тушди. Гўё “Гўрўғли” дostonларидан бирида тасвирланганидек, бу кўҳна санъат қайта жонланиб, асл қадрини топди.

Фестивалнинг анъанавий уюштирилаётганига ҳам тўғри урғу бердингиз. Биринчи анжуман Термизда ўтказилганди.



## МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ



Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари аъзоларининг билим ва кўникмаларини ошириш, қонунчиликдаги янгилеклар юзасидан хабардорлигини кучайтириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

### Амалиёт

Шу мақсадда 23 — 25 апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари доимий комиссиялари раҳбарлари учун Олий Мажлис Сенатида амалиёт ташкил этилди.

Тадбир давомида Сенат кўмиталари фаолияти билан яқиндан танишилди, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир долзарб масалаларни кўриб чиқишда маҳаллий вакиллик

органлари иштироки самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий Кенгаш депутатларини кенг жалб этиш, уларнинг фикр ва таклифларини инобатга олиш, шунингдек, қабул қилинаётган қонунларда худудий хусусият ва имкониятларни акс эттириш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришга эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси

ташаббуси билан доимий комиссиялар раҳбарлари учун ўқув-семинар ҳам ўтказилди. Ушбу амалиёт ва семинарлар маҳаллий Кенгашлар ҳамда Сенат кўмиталари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, маҳаллий ҳокимият органлари билан ишлашда самарадорликни ошириш ва маҳаллий ижро ҳокимияти устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлашга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

## ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси томонидан “Таълим соҳасини ривожлантириш, унинг сифатини ошириш устидан самарали депутатлик назоратини амалга оширишда вакиллик органларининг роли” мавзуйда семинар ташкил этилди.

Унда сенаторлар, Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ходимлари, экспертлар, маҳаллий Кенгашларнинг фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича доимий комиссиялари аъзолари, котибият мудири, мактабгача ва мактаб таълими худудий бошқарув бўлиналари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.



## ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАРДА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

Шу йилнинг 5 март куни давлатимиз раҳбари парламент аъзоларига маҳаллага бориб жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва биргаликда ечим излаш, соҳага оид таклифлар ишлаб чиқиш, қонунларни такомиллаштириш чораларини кўришни таъкидлаган эди.

### Парламент назорати

Шундан келиб чиқиб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигида бир гуруҳ депутатлар Жиззах вилоятида ўрганишлар олиб борди.

Дастлаб вилоят Идораларо мувофиқлаштирувчи орган фаолияти билан танишилиб, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва

коррупцияга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг ҳолати ўрганилди.

Маҳаллаларда осойишталиқни таъминлаш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаролар билан ижтимоий профилактика чоралари доирасида манзилли ишларни амалга ошириш, уларни банд қилиш, бу борада маҳаллий Кенгаш депутатлари ва маҳал-

лий органларнинг ҳамкорлигини кучайтириш лозимлиги мулоқотлар марказида бўлди. Жиззах шаҳридаги “Маданият” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган суҳбатларда “Қалқон” жамоатчилик патруль гуруҳи томонидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилди. Депутатлар “маҳалла еттилиги” фаолияти, маҳаллани ишсизликдан холи худудга айлантириш режаси, “ижтимоий профилактика” тизимининг қандай йўлга қўйилгани билан танишди.

Фаоллар ва ёшлар билан ўтказилган мулоқотларда фуқаролар “маҳалла еттилиги” фаолияти одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларига хизмат қилгани ҳолда ўз натижасини бераётганини алоҳида таъкидлашди.



## МУРОЖААТЧИЛАРГА КИТОБЛАР СОВҒА ҚИЛИНДИ

Айни кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари республикамизнинг турли худудларида бўлиб маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш, аҳоли муаммоларини ўрганиш борасидаги ишларнинг аҳволи билан танишмоқда. Худди шундай учрашувлардан бири Ургут туманида ўтказилди.

### Учрашув

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусайд Кўчимов Ургут туманида аҳоли билан учрашди. Туман ҳокимлиги, Президент Халқ қабулхонаси масъуллари иштирокида уюштирилган тадбирда аҳоли вакиллари маҳаллалар ички йўллари таъмирлаш, мактаблар учун кўшимча синфхоналар қуриш, боғчалар ташкил этиш, электр энергияси ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш, суьлтирилган газ баллонларни етказиб бериш ҳамда бошқа масалалар юзасидан мурожаат қилди.

Тадбир давомида А. Кўчимов Олий Мажлис Сенатининг яқинда ўтказилган ялпи мажлисида муҳокама қилинган масалалар, маъқулланган қонунлар ҳақида ҳам сўз юритиб, уларнинг аҳамиятига тўхталди. Шунингдек, бугунги кунда аҳоли томонидан кенг муҳокама этилаётган тўй ва бошқа маросимларни иччам, камхарж қилиб ўтказиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Иштирокчиларга ўзининг янги китобларини тақдим этди. Сафар давомида Олий Мажлис Сенати аъзоси А. Кўчимов туман ахборот-кутубхона марказида китобхонлик ҳафталиги доирасида уюштирилган маърифий тадбирда ҳам қатнашди ва кутубхонага ўз асарларидан совға қилди.

«Халқ сўзи».



Ўрганиш

МАҲАЛЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Шу кунларда парламентнинг ишчи гуруҳи томонидан маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишлар ҳолати жойларга чиққан ҳолда ўрганилмоқда.

Ишчи гуруҳнинг навбатдаги ман-зили — Жиззах ва Хоразм вилоят-лари бўлди.

Жумладан, Олий Мажлис Сена-тининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўми-таси раиси, ишчи гуруҳ раҳбари А. Эшмуратов Жиззах вилоятининг Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Зарб-дор туманлари ва Жиззах шаҳри-даги маҳаллаларда бўлди.

Ўрганишлар жараёнида давлат органлари томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳаётда йўлдан адашган, жи-ноят содир этишга мойил фуқаро-лар билан индивидуал тарзда иш-лаш, маҳалла ва оиладаги маъна-вий-ахлоқий муҳитни соғлом-лаштириш бўйича амалга ошири-лаётган ишлар таҳлил қилинди.

Криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда ижтимоий профи-лактика тизимини самарали таш-кил этишга доир жойлардаги масъ-ул раҳбарларнинг ахборотлари тингланди. Асосий эътибор ҳуд-удий раҳбарларнинг ушбу масала-лардаги фаоллиги ва ташаббусла-рига қаратилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари жиноятчи-ликнинг олдини олиш юзасидан туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилган “йўл хариталари” билан танишди. Камералар, “ташвиш тугмалари”ни ўрнатиш, “хавфсиз йўлак”, “хавфсиз кўча” ташкил этиш борасидаги ишлар кўздан кечирилди.

Шунингдек, криминоген вазия-ти оғир бўлган маҳаллаларда йўлга қўйилган ижтимоий профилактика тизими ҳолати ҳам ўрганилди. “На-мунали хавфсиз кўча” ва “намуна-лий хавфсиз йўлак”ларга эришиш юзасидан зарур кўрсатмалар бер-илди.

\*\*\*

Давлатимиз раҳбарининг илгари сурган ташаббуслари асосида парламент палаталари томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалиётга татбиқ этиш бора-сида халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари билан ҳамкорликда жойларда тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, бу борада амалга оши-рилаётган ислохотларнинг самара-дорлиги Республика ихтисос-лаштирилган она ва бола саломат-лиги илмий-амалий тиббиёт мар-кази Хоразм вилояти филиалида ҳаётга қандай жорий қилинаётга-ни ҳолати Олий Мажлис Сена-ти

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йил-ларда мамлакатимизда махсус иқтисодий зоналар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, хо-рижий ҳамда маҳаллий инвести-цияларни жалб этишда солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш борасида мақсадли ишлар амалга оширилганлиги.

Хусусан, “Махсус иқтисодий зо-налар тўғрисида”ги Қонун асоси-да эркин иқтисодий зоналар таш-кил этилиб фаолият кўрсатиш тар-тиб-тоъмиллари тақомиллаштирил-ди, маъмурий буйруқбозликни ка-маййтириб, махсус иқтисодий зо-налар дирекцияларининг ваколатла-рини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизми соддалаштирилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Андижон вилоятидаги “Ипак йўли”, Жиззах вилоятидаги “Жиззах”, Наманган вилоятидаги “Косонсой Фарм”, Қашқадарё вилоятидаги “Чироқчи”, Сирдарё вилоятидаги “Сирдарё” ҳамда Сурхондарё вилоятидаги “Термиз” эркин иқтисодий зоналар фаолияти билан яқиндан танишди.

Хусусан, Андижон вилоятининг “Ипак йўли” эркин иқтисодий зо-насида 3 млрд. АҚШ доллари миқ-дорига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, 16 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш ҳамда йилига 20,1 трлн. сўмдан орტიқ sanoat маҳсулотла-ри ишлаб чиқариш, йиллик 580,7 млн. АҚШ доллари миқдо-

Таълим сифатини оширишда вакиллик органларининг роли

Айтилганидек, сўнгги йилларда халқ депутатла-ри маҳаллий Кенгашларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг ижти-моий ҳимоясига оид долзарб маса-лаларни ҳал қилиш бўйича вако-латлари кенгайтирилиб, халқ хоки-миятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларининг тегишли ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривож-ланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботла-рини халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари-да ҳар чорақда эшитиб бориш ма-саласи киритилган.

Семинарда мазкур ҳисоботлар-ни эшитишда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим йўна-лишидан бири — таълим сифати-ни яхшилаш устидан депутатлик назоратини амалга оширишда ма-ҳаллий Кенгаш депутатларининг эътибор қаратиши лозим бўлган жиҳатлар юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.

Хусусан, маҳаллий Кенгашлар-нинг фан, таълим ва соғлиқни сақ-лаш масалалари бўйича доимий комиссиялари томонидан ҳудуд-лардаги таълим муассасаларининг мавжуд муаммолари ва камчилик-ларини ҳал этиш, шу жумладан, таълим сифатини яхшилаш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, педагог ҳодимларнинг маълакасини оши-ришга ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини қучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, семинарда маҳал-лий Кенгаш депутатларига Сена-тга келиб тушган фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига таал-луқли қонунларни муҳокама қилиш ва тегишли тақлифлар тайёрлаш юзасидан тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Учрашувлар давомида халқ ва-кили “Янгийр” МФЙда тадбиркор Жамилхон Эшматов томонидан ташкил этилган оилавий болалар боғчасида бўлиб, муассасада уларга яратилган шароитлар, қулайликларни кўздан кечирди.

Маҳалла фаоллари, ёшлар, хотин-қиз-лар ва нурунийлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Фуқаролар кейинги саккиз йилда халқ билан мулоқотнинг самарали механизми яратилгани, депутатларнинг ҳар ойнинг охириг ҳафтасида аҳоли билан очик му-лоқотда бўлиши қўлаб масалаларни бар-тараф этишга хизмат қилаётганини бил-дирди.

Депутатнинг Ниҳол маҳалласида сай-ловчилар билан бўлиб ўтган учрашуви ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Аҳоли вакиллари охириг йилларда Учқўрғон тумани жадал ўзгаргани, янги таълим муассасалари қурилиб, одамларнинг яшаш шароитлари тубдан яхшилланганини таъкидлашди. Ху-сусан, маҳалла институтини янада тако-миллаштириш, унинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрнини тубдан ошириш борасида олиб борилаётган жадал исло-хотлар, “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилгани қўлаб масалаларга қуйи тизимнинг ўзида ечим топишга хизмат қилаётгани ургуланди.

«Маҳалла еттилиги» фаолияти ўрганилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси де-путати Жасурбек Шодиев Каттакўрғон шаҳридаги Гўзалкент маҳалласида бўлди. Халқ вакили бу ерда “маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишиб, ёшлар, хотин-қизлар ва нурунийлар билан мулоқот қилди, уларнинг тақлифларини эшитди.

Юзма-юз учрашувлар давомида мам-лакатимизда барча соҳада амалга оши-рилаётган кенг қўламли ислохотлар, қонунчиликдаги янгилликлар, Президент Фармон ва қарорлари, қуйи палата то-монидан қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти кенг жамоатчиликка етказилди.

Депутат ушбу маҳаллада жойлашган “Чақмоқ қолдۇча” хусусий мактабгача таъ-лим муассасасида ҳам бўлиб, у ерда яратилган зарур шарт-шароитлар, қулай-ликлар билан танишди. Сўнгги йилларда юртимизда таълим, хусусан, мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ис-лохотлар ҳақида маълумотлар берилди.

Мазкур учрашувлар давомида халқ ва-кили маҳалла ҳудудидagi бир қатор тад-биркорлик субъектлари, ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан ҳам яқиндан

Ҳаётий ташаббусларда халқ манфаатлари устувор

Депутатлар томо-нидан айрим ҳуқуқбу-зарликларнинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш-да аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқа-ролик масъулиятини ошириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

\*\*\*

Бугун сайловчилар депутат олдига эмас, депутат ўз сай-ловчилари ҳузурига бориши шарт, деган халқчил қараш парламент аъзолари ишида устуворлик касб этмоқда. Халқ вакилларининг ҳудудлар-даги ўрганишлари, аҳоли бил-ан мулоқотлари парламент-нинг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳамда муҳим қонун-ларни қабул қилиш жараёни-да ташаббусларнинг кенг жа-моатчиликлдан, халқдан чиқи-шида амалий кўприк вазифа-сини ўтайти.

Қонунчилик палатаси Спи-кери ва бир гуруҳ депутатлар-нинг Жиззах вилоятининг Пах-такор туманида давом этган ўрганишларида ушбу масала-ларга устувор аҳамият қара-тилган ҳолда ёндашилгани эътиборга молик, албатта.

Жараён давомида депутат-лар маҳалла фуқаролар йи-гинлари, аҳоли хонадонлари-га борди, тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжа-ликлари фаолияти билан та-нишди.

“Тошкент” МФЙда бўлиб ўтган учрашувларда “маҳалла еттилиги” фаолияти ўрганил-ди. Очик мулоқотларда фуқа-ролар маҳаллага қўшимча куч ва имкониятлар тақдим эти-лаётгани, ваколат ва масъ-улият ҳам қуйи тизимга туши-рилаётгани натижасида бугун қўлаб масалалар шу ернинг ўзида ҳал бўлаётганини айт-дилар. Аҳоли билан ишлаш-нинг бундай тартиби давлат органлари ва фуқаролар ўрта-сида ўзаро ақиллиқни ҳамда ишончли ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқаётгани ур-ғуланди.

Мулоқотларда масъулар-нинг ва маҳалла фуқаролар

йигинлари раисларининг ушбу йўналишдаги фикр-мулоҳаза-лари, тақлифлари эшитилди.

Тумандаги “Самарқанд” СИУ ҳудудига жойлашган “Ан-вар — А” фермер ҳўжалигига бўлиб ўтган учрашувда мам-лакатимизда қишлоқ ҳўжали-ги соҳасида олиб борилаёт-ган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, яқинда қабул қилинган “Қишлоқ ҳўжалиги таваккалчиликларини сугурта қилиш тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти кенг жамоат-чиликка етказилди.

Сўхбат чоғида халқ вакил-лари томонидан мутасадди-ларга ердан унумли фойда-ланиш, интенсив усулда қишлоқ ҳўжалиги махсулотла-ри етиштириш, бозорларни озиқ-овқат махсулотлари би-лан тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш, экс-порт салоҳиятини янада оши-риш, қўшимча иш ўринлари-ни яратиш бўйича қатор та-клиф ва тавсиялар берилди.

\*\*\*

Қонунчилик палатаси Спи-кери ва бир гуруҳ депутатлар-нинг Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги ўрганиш-ларига асосий эътибор Президентимиз томонидан қўйилаётган вазифаларнинг ҳудуддаги ижросига қаратил-ган бежиз эмас. Чунки жой-ларда ислохотларнинг бориши изчил ва самарали таъминлан-сагина, ўша ерда ривожланиш ва тараққиётга эришиллади.

Гафур Фулом номидаги ма-ҳалла фуқаролар ййгинида масъуларлар, ёшлар, хотин-қиз-лар ва нурунийлар билан ўтказилган очик мулоқотда маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, корруп-цияга қарши курашиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кам-бағаллиқни қисқартириш бо-расидаги ишлар диққат мар-казида бўлди.

Мутасаддиларга кримино-ген вазият оғир маҳаллалар-да жойларга чиққан ҳолда мақсадли ўрганишларни ўтқа-зиш орқали ҳуқуқбузарлик-

ларга сабаб бўлаётган асл омилларни аниқлаш ва бар-тараф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, туман жиноят ишлари бўйича суди, проку-ратура, ИИБ масъуллари, ма-ҳалла профилактика инспек-торлари билан суҳбатлашил-ди. Мулоқот чоғида амалдаги қонунчиликни қўллаш бўйича уларнинг фикрлари, тақлиф ҳамда мулоҳазалари тинглан-ди. Хусусан, туман ИИБ бош-лиги Шерзод Қосимов узоқ муддат чет элда бўлиб қайт-ган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишда бир қанча қийинчиликлар бўлаётганини қайд этди. Қонунчилигимиз-да тиббий кўрикдан ўтиш тав-сиявий эканлигини, шу сабаб-ли фуқаролар ИИБ ҳамда тиб-биёт ҳодимларининг бу ҳақда бир неча бор айтишларига қарамаздан тиббий кўрикдан ўтмаётгани ва натижада ўзи, оила аъзоларини хавфга қўяётганини таъкидлади. Шу сабабли чет элда бир ойдан кўп вақт бўлган Ўзбекистон-да доимий яшовчи фуқаро-ларни уйларига қайтганидан сўнг бир кун ичида (дам олиш ва байрам кунларини ҳисоб-ламаганда) тиббий кўрикдан ўтганини мажбурий қилиб белгиловчи қонун нормаси ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқлигини тақлиф сифа-тида илгари сурди.

Шунингдек, у бугунги кун-да ахборот технологиялари-дан фойдаланган ҳолда содир этилаётган фирибгарлик жи-ноятларининг салмоғи кескин ошаётгани, энг ачинарлиси, ушбу тоифадаги жиноятлар-нинг жуда катта қисми фош қилинмасдан, жиноят учун жазо муқаррарлиги таъмин-ланмасдан қолаётгани, бу то-ифадаги жиноятларни фош этиш жуда катта билим, меҳ-нат ва маблаг талаб қилиши-га ургу берди. Амалдаги Жи-ноят кодексининг 168-модда-си 5-қисмида етказилган мод-дий зарарининг ўрни қоплан-ган тақдирда озодлиқни чек-лаш ва озодлиқдан маҳрум

этиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги, яъни про-фессинал фирибгар зарар-ни қоплаб қўйган тақдирда унга нисбатан озодлиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланмаслигига эътироз билдириб, қилмиш учун жазо мутаносиб бўлмас-дан қолаётганини таъкидлади. Шунинг учун ушбу кодексга тегишли ўзгартириш киритиб, унда ахборот тизимидан, шу жумладан, ахборот технология-ларидан фойдаланиб, фириб-гарлик содир этилган бўлса, бу тартиб қўлланилмаслигини белгилаш тақлифи берилди.

Туман ИИБ бошлиғи бугун-ги кунда йўл-транспорт ҳоди-саси билан боғлиқ жиноятлар (Жиноят кодекси 266-модда-си биринчи қисми) юзасидан амалиётда озодлиқдан маҳ-рум этиш жазоси деярли қўлланилмаётганлигига эъти-бор қаратиб, (ижтимоий хав-фи катта бўлмагани сабабли) кўпинча жабрланувчи айбдор-нинг яқин қаринодоши бўлга-ни сабабли у жиноят ишини қўзғатишга эътироз билдира-ётганини айтиб ўтди. Шу боис бундай жиноятларни маъму-рий жавобгарлик тоифасига киритиш лозимлиги айтилди.

Мулоқот чоғида ушбу та-клифлар, албатта, атрофлича таҳлил қилиниши, амалиётда-ги ўрганишлардан келиб чи-қиб тегишли хулосага кели-ниши таъкидлаб ўтилди.

Депутатлар, шунингдек, мазкур маҳаллада ташкил этилган “Ёшлар боғи” ва IT-парк фаолияти билан ҳам та-нишди, ёшларнинг фикрлари, тақлифларини эшитди. Муло-қотлар чоғида улар юртимиз-да Президентимиз раҳбарли-гида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар на-тижасида ҳаётимизнинг бар-ча соҳасида катта ўзгаришлар юз бераётгани, таълим олиш, касб-хўнар эғаллаш учун бар-ча имконият, қулайликлар яратилганини алоҳида қайд этишди.

«Халқ сўзи».

# ОЧИҚ ВА САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР МУАММОЛАРНИ ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИШ ИМКОНИНИ БЕРМОҚДА

Учрашувлар давомида халқ ва-кили “Янгийр” МФЙда тадбиркор Жамилхон Эшматов томонидан ташкил этилган оилавий болалар боғчасида бўлиб, муассасада уларга яратилган шароитлар, қулайликларни кўздан кечирди.

Маҳалла фаоллари, ёшлар, хотин-қиз-лар ва нурунийлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Фуқаролар кейинги саккиз йилда халқ билан мулоқотнинг самарали механизми яратилгани, депутатларнинг ҳар ойнинг охириг ҳафтасида аҳоли билан очик му-лоқотда бўлиши қўлаб масалаларни бар-тараф этишга хизмат қилаётганини бил-дирди.

Депутатнинг Ниҳол маҳалласида сай-ловчилар билан бўлиб ўтган учрашуви ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Аҳоли вакиллари охириг йилларда Учқўрғон тумани жадал ўзгаргани, янги таълим муассасалари қурилиб, одамларнинг яшаш шароитлари тубдан яхшилланганини таъкидлашди. Ху-сусан, маҳалла институтини янада тако-миллаштириш, унинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрнини тубдан ошириш борасида олиб борилаётган жадал исло-хотлар, “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилгани қўлаб масалаларга қуйи тизимнинг ўзида ечим топишга хизмат қилаётгани ургуланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Маъруфжон Раҳмоновнинг На-манган вилоятида аҳоли вакиллари би-лан учрашувлари қизгин савол-жавоблар ва сайловчиларнинг фаоллиги остида ўтмоқда.

Депутат вилоятнинг Учқўрғон тумани-да бўлиб, бир қатор ижтимоий, иқтисо-дий аҳамиятга эга объектлар фаолияти билан яқиндан танишди. Хусусан, туман марказий шифохонасида бўлиб ўтган уч-рашувда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шароитлар, қулайликлар, фуқароларнинг дори-дармон билан таъминланиш ҳолати ўрганилди.

Мулоқот чоғида аҳоли вакиллари сўнгги йилларда малакали тиббий ёрдам қўрсатиш, тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш бўйича амалга ошири-лаётган ислохотлар самарасини бугун одамлар ўз ҳаётида сезаётгани, ҳис қилаётганини қайд этди.

Халқ вакили хонадонларда ҳам бўлиб, аҳолининг яшаш шароитларини ўрганиб, тақлиф ва фикрларини эшитди. Хусусан, Шодлик маҳалласида яшовчи Шерзодбек Отамурзаев хонадонига бўлганида то-морқадан самарали фойдаланиш ҳолати-ни таъкидлади. Томорқачилиқни ривож-лантириш, ернинг ҳар қарчицдан сама-рали фойдаланиш, интенсив усулда қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етишти-риш бўйича зарур тавсиялар берилди.

“Зарафшон текстиль” корхонасида 300 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. Депутат бу ерда ишчи-ҳо-димлар билан суҳбатлашиб, улар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Мамлакатда тадбиркорлик ва ишбилар-монлиқни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳақида маъ-лумотлар берди.

Депутат, шунингдек, дехқон ва фер-мер ҳўжаликлари фаолияти, хусусан, пах-та, ғалла ҳамда қишлоқ ҳўжалиги экинла-

рини етиштириш жараёнлари билан та-нишди, мавжуд муаммолар ва тақлифлар ўрганилди.

**Тиббиёт муассасалари ҳолати қандай?**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси де-путати Шухрат Якубов Жиззах вилояти-нинг Зарбдор туманидаги тиббиёт муас-сасалари фаолиятини ўрганиди.

Хусусан, депутат Зарбдор туман тиб-биёт бирлашмасига қарашли қишлоқ оила-вий шифокор пунктлари, оилавий поли-клиникалар ва тез тиббий ёрдам хизмат-лари фаолияти билан яқиндан танишди.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-тех-ника базаси, кадрлар билан таъминлан-ганлиги ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиб-бий хизмат сифати таҳлил қилинди.

Тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлимида олиб борилган ўрганишлар чо-ғида беморлар билан юзма-юз мулоқот-да бўлиб, уларнинг фикр ва тақлифлари-ни эшитди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, терапия бўлимида ётиб даволаниш учун жой етарли эмас. Шунингдек, йўналиш-лар бўйича малакали шифокорларга эхти-ёж юқорилиғи ҳам қайд этилди.

Депутатнинг таъкидлашича, тиббиёт ти-зимининг ҳар бир бўғинида фуқароларга сифатли, ўз вақтида ва талабга жавоб бе-радиган тиббий хизмат кўрсатилиши ус-тувор масалалардан бири саналади. Шу боис жойлардаги ҳолатни ўрганиш ва мав-жуд муаммолар юзасидан мутасадди таш-килотларга тегишли тақлиф ва тавсиялар тайёрлаш ишлари давом эттирилади.

**Ижтимоий масалалар — эътиборда**

Депутатлар томонидан жойларда аҳоли билан ўтказилаётган мунтазам учрашу-влар, сайловчилар кўтарган муаммолар ҳудуднинг ўзида ўрганилиб, ҳал этиб ке-линаётгани натижасида мурожаатлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси де-путати Зухриддин Мавлонов ҳам жойлар-даги аҳоли мурожаатларини ўрганиш, му-аммоларга ечим топиш ва сайловчилар билан очик мулоқотлар ўтказиш мақса-дида Сурхондарё вилоятининг Музработ туманида бўлди.

Дастлаб депутат туман Халқ қабулхо-насида бўлиб, фуқароларнинг қўндалик ҳаётида учраётган муаммоларини тинг-лаш, улар билан бевосита мулоқот қилиш ҳамда ижтимоий соҳалардаги камчилик-ларни ўрганиш ишларига киришди.

Қабул жараёнида фуқаролар томони-дан турли мавзуларда — иш билан таъ-минлаш, тиббий хизмат, уй-жой масала-лари, йўл ва инфратўзилма, таълим ҳамда ижтимоий ҳимоя каби муҳим соҳаларда мурожаатлар билдирилди.

Халқ вакили ҳар бир масалага алоҳи-да эътибор қаратган ҳолда жойида те-гишли мутасаддилар билан боғланди, ўз навбатида, мурожаатчиларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилди.

**Амалий ёрдам кўрсатилди**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси де-путати Тоҳир Полвонов Хоразм вилояти-даги бир қатор туманларда бўлиб, жой-лардаги аҳоли турмуши, фермер ҳўжа-ликлари фаолияти, маҳаллалардаги иж-тимоий-иқтисодий аҳвол ва ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олишга қаратилган ишлар билан яқиндан танишмоқда.

Хусусан, депутат Тупроққалъа тумани-даги “Омонгалди дарга” фермер ҳўжали-гида бўлиб, дехқон ва фермерлар билан ҳосилдорлик, мавжуд муаммолар ва кел-гуси режалар хусусида атрофлича суҳ-батлашди. Таҳлиллар давомида фермер ҳўжалигидаги иш услуби, эришилган на-тижалар ва қўшимча имкониятлар муҳо-кама қилинди.

Депутат ўрганиш ишларини Ҳазорасп туманида давом эттириб, Пахлавон Маҳ-муд номидаги маҳалланинг “маҳалла ет-тилиги” фаолиятини ўрганиди. Ўтказилган суҳбат давомида ушбу тизимнинг аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш, жумладан, камбағаллиқни қисқартириш борасидаги ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини бил-дирди.

Президентимизнинг 2025 йил 3 январ-даги тегишли қарори ижроси юзасидан маҳалла инспектори ва фаоллари билан суҳбатлашиб, хавфсиз муҳитни шакллан-тириш, жиноятчиликнинг олдини олишда маҳалланинг тутган ўрни ҳақида фикр ал-машилди.

Зиёилар маҳалласида бўлганида де-путат Эзгу амал қўлисида яшовчи фуқаро Норжон Машарипованинг ҳолидан хабар олди. Унинг соғлиғи билан боғлиқ муам-молар ва ногиронлиқни белгилашда юзага келаётган мураккабликлар юзасидан суҳ-батлашди. Шундан сўнг депутат томони-дан тегишли ташкилотлар кўмағида фуқарога амалий ёрдам кўрсатилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси де-путатларининг ҳудудлардаги учрашувлар-и давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

# ИНСОННИЯТНИНГ БОЛАЛИК ҚЎШИҒИ

## ФОЛЬКЛОР — ЖАМИЯТНИ УЙҒОТУВЧИ ҚУДРАТ



1 Кейин Нукус, Сирдарё мана шу нуфузли тadbирга мезбонлик қилди. Тўртинчи бор эса Хи-вада бўлиб ўтмоқда. Мазкур худудларнинг танланаётгани ҳам бежиз эмас. Бу жойлар тарихан санъат, халқ ижодиёти кенг ёйилган макон сифатида ўз анъаналарига, номдор бахшиларига эга бўлган.

Фольклор санъати бутун дунёда бор. Лекин Ўзбекистонда дoston ва халқ термаларининг айнан жонли ихрода сақлаб келинаётганини ноёб ҳодиса сифатида соҳир санъат илосмандлари, соҳа эксперт ва мутахассислари алоҳида эътироф этади. Мана шу бетимосол санъат ҳодисаси ҳам жaхoннинг турли бурчaкларида инсонларнинг юртимизга келиши, фестивалда қaтнaшишгa интилишигa сабаб бўлмоқдa.

— *Ҳозирги технократия ва ахборот глобаллашуви асрида томирлари мишг йилликлар қаҳрига бориб тақалувчи фольклорга қайтиш бизга нима беради?*

— Жуда муҳим саволлардан бири-ни бердингиз. Унга жавоб бериш учун сал орқага қайтишга тўғри келади. Дейлик, XIX асрда тараққиёт янги босқичга кўтарилган, телеграф пайдо бўлди, радио, телевизор ихтиро қилинди, кейинчалик мобил телефонлар ҳаётимизга кириб келди. Бугун интернет замонида яшayмиз. Ахборот технологиялари, сунъий интеллект воситалари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасидан ўрин олмоқда. Янгиликлардан ҳеч қачон ортга қайтилган эмас. Лекин бу янгиликларнинг яралиш манбаи, улар озука оладиган жой ҳам бўлиши керак. Менимча, бу фольклор. Жаҳонда неки цивилизациялар юз берган бўлса, чўққисига етган, янги босқичга ўтиш учун фольклорга қайтилган. Масалан, Европа уйғонишига юнон мифологияси қувват берган. Лотин Америкаси адабиёти, санъати, илм-фани, маданияти тараққиётида ҳам халқ оғзаки ижодиётига қайтиш, ундан куч олиш муҳим аҳамият касб этган.

Биздаги тамаддуллар ҳам кўнча ва боқий меросдан куч-қувват, руҳ олган. Бериунининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Махмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк”, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибат ул-хаккойк” асарларини олайлик. Уларнинг моҳиятида, ғоясида фольклордан таъсирланиш, улгу олиш яққол кўринади. Атоқли олим ва адиб Мақсуд Шайхзода Алишер Навоий ижоди оид тадқиқотида “Навоий сюжет тўқималаридан бошқа, фольклорнинг деярли ҳамма приём, восита, жанр, шакл, шеърларидан ҳам кенг фойдаланган”, дея ёзади. Буюк шоир ва мутафаккир бобомизнинг “Ҳайрат ул-абор” достони, қатор ғазал ва рубоийларида мақол ва маталларни, “Сабъи сайёр” достонида халқ эртакларига хос услуб, мотив ва тимиолларни кўплаб учратиш мумкин. Бу бебаҳо дурдоналар халқнинг бадиий-эстетик тафаккури ривожига беқеъс даражада таъсир ўтказган.

Бугун ҳам жамиятимизда, ҳаётимизнинг барча жабҳасида, тафаккуримизда янгилаш жараёни кетмоқда. Бунда айнан фольклор ҳам му-рожаат қилинаётгани гоят тўғри йўналиш олганимиздан, деб биламиз.

Фольклорга қайтиш уни фақат ижро этиш билангина кечмаслиги керак. Халқ оғзаки ижоди сюжетла-рини, рамзларини, тимиолларини, мотивларини ҳаётимиз, санъатимиз, маданиятимиз, орзу-мақсадларимиз мо-ҳиятига сингдиришимиз, уларни мил-лий, маънавий тараққиётимизнинг қувват манбаига айлантиришимиз ло-зим.

Биз ҳеч қачон англиклар қулига айланмаслигимиз зарур. Технокра-тияга муте бўлиб қолмаслигимиз керак. Чунки роботлашган одам об-разли фикрлашдан мосуво бўлади. Тушунча тушунча ҳолатида қолиб ке-тади. Яъни жонли сўз истеъмолдан чиқади. Бу — инсоннинг ривожлани-шдан тўхтайти, дегани. Тарихдан ҳам-ма ҳаёлот уфқларини заёт этиши учун эса инсон, аввало, фольклор билан озиқланиши керак.

— *Бугун жамиятимизда учраётган муаммолар, айрим инсонлар феъ-лу сажиясидаги қусурлар барча эзу-тушувчиларимизнинг манбаи бўлган фольклордан бир қадар узоқлашгани-мизни кўрсатмайдими?*

— Афсуски, шундай. Бунинг айб-дори эса ўзимиз. Тўғри, собиқ итти-фок даврида халқимизни тарихий ил-дизларимиздан айиришга зўр берил-ди. Сохта мафқураларга ишониб, амал қилиб яшашга мажбур бўлдик. Бу ҳам ўз даврида жаҳоний тараққиётдан ортда қолганимиз, қонимизда бўлган эрқа ташналик, мардлик, жасорат, миллий ғурур, ор-номус, ҳамжihat-лик, Ватан учун ҳатто жонни фидо этиш каби туйғуларни унутганимиз туғайли рўй берди.

Мустақиллик ўзлика қайтиш им-конини яратди. Биз энди бу неъмат-дан, бу бахтдан унумли фойда-ланишимиз шарт. Фарзанд-ларимизни чинакам Алпо-мишлар, Барчинойлар, Гўрўғлилар, Рустам-хонлар, Қунтуғмиш-лар қилиб тарбия-лашимиз зарур.

Бугунги кунда ёшлар таълим-тарбиясида жа-ҳоннинг илгор тажрибалари-дан фойдала-ниш ҳақида турли фикрлар, тақлифлар ай-тиляпти. Лекин асрлар синови-дан ўтган халқ педагогикаси-нинг қаймоғи, не-гизи фольклорда жамулжам-ку. Нега уларга таънаимиз?!

Дostonларимиз, ма-қолларимиз, матал ва эр-такларимизда болани беш ёшгача подшо қилиб ўстириш, ўн тўрт ёшгача унга қаттиққўлиқ билан муносабатда бўлиш, ундан кей-ин фарзанд билан дўст тутишни за-рурлиги таъкидланади. Дostonлари-мизда, эртакларимизда ана шу меха-низм асосида камолга етган фарзанд-лар меҳнатсевар, жасур, оқил ва одобли, ижодкор, инсонни қадрлай-диган, эзгуликка суянадиган, унинг тантанаси учун курашувчан бўлиб улғайгани тараннум этилади. Бизга бугун ана шундай авлод керак!

Қадимги шумерларнинг манбала-рида “Ёшларнинг тарбияси баъзилай кетаяпти”, мазмунидида қайдлар учрай-ди. Асрлар давомида шу гап такрор-такрор айтиб келинмоқда. Чунки ота-лар ўз орзулари рўёбини фарзандла-рида кўргиси келади. Лекин фарзанд-лар оталари орзуси билан эмас, ўз ҳаёти билан яшайди. Биз уларга тўғри йўл кўрсатувчи, йўналтирувчи бўли-шимиз мумкин. Бунда фольклор биз ўзин асос бўлиши керак.

Халқ оғзаки ижоди — маънавий қувватимиз манбаи, руҳимиз озиқлан-тирувчиси. Масалан, дейлик, Алпо-миш иши ёки Барчинойни ўзига идеал билган, улардан ибрат олган йигит-қиз ҳаётида кам хато қилади. Тўғри йўлни танайлади, эгриликдан узоқ юра-ди, ҳалол яшашга интилади, ҳаром-дан ҳазарланади, иродаси бақувват бўлади, энг қийин дамлрда ҳам ўзини йўқотмайди. Ҳатто ақл бовар қилмайдиган жасоратлар, қаҳрамон-ликлар кўрсатишга қодир бўлади. Бу билан улар халқнинг маънавий қу-ватини ҳам янгилайди. Яқинда фут-бол бўлича ўн етти ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси Осиёе бо-ги мусобақасида қўлга киритган ғалаба менда ана шу таасуротни уй-ғоти. Усмирларимизнинг финалда ҳам мусобақа мезбони, ҳам гоят куч-ли жамоа ҳисобланган Саудия Ара-бистони билан беллашувда ўн бир йўлчиға қарши тўққиз футболчи бўлиб шиддатли кураш олиб бора-ни, аввало, маънавий қувват ҳосила-си эди.

Инсонда, халқда жисмоний қувват биринчи этилади, аммо маънавий қу-ват этилиши учун вақт керак бўлади. Дostonда ҳам Алпомиш жисмоний қувват талаб қилган шартларни қалмоқ юртига бориб ҳеч қандай мо-неликсиз, бир зумда бажарди. Лекин маънавий қувват талаб этадиган шартларни етти йил зиндонда ётга-нидан кейин — маънавий-руҳий тако-милағ етганидан кейингина бажара олди. Бу бекорга эмас. Эпоснинг ма-ғиз, тимиоллари чуқур мазмунга эга бўлиб, улар кишини маънан уйғотиш-га хисса қўшади.

— *Халқ оғзаки ижодида хўрмат ва муҳаббат туйғуси фольклорнинг юксак намунаси бўлган алла воси-тасида фарзандлар қонига зўбақла-шадёёқ сингиди. Бироқ йиллар ўтиши билан йиғит-қизлар, уларнинг қалби*

*ва руҳи миллий ўзлгимиз титмосили бўлган фольклордан узоқлашадиган, бе-ғоналашади. Айтинг-чи, бунинг ол-дини олиш учун қандай чора-тад-бирлар кўрилиши керак?*

— Ёш авлодда халқ оғзаки ижоди-га хўрмат ва муҳаббат туйғусини ошириш бўйича давлат миқёсида етарлича чора-тадбирлар қўриляпти. Ўтказилаётган фестиваллар, таълим-га фольклорнинг олиб кирилиши, соҳа ривожини учун яратилаётган шарт-шароитлар шу вақтга қадар бунча-лик бўлган эмас. Энди оилаларда муҳитини ўзгартиришимиз керак. Уйда ота фарзандларини ёнига қачириб халқ дostonлари, термаларидан қўйлаб берса, она ўғил-қизларини



эртаклар айтиб ухлатса, ҳеч бўлма-ганда, ҳар бир хонадонда кутубхона ташкил қилиниб, унинг бир бурчи-дан эпосларимиз, эртакларимиз, аф-сонаю асотириларимиз, мақол, топиш-моқ, тез айтиш, маталар тўпламла-ри жой олса, бу мақсадга эришиш мумкин.

Аллаи тилга олдингиз. Алла — бу оҳанг дегани. Миллий оҳанг! Бу оҳангини бола тингларкан, табиийки, сўзлардаги маъно-мазмунини англа-майди. Бироқ унинг оппоқ қороздек тафаккурига миллий қадриятлар билан, ҳатто инсоний қиёфасидан ҳам маҳрум бўлади. Миллий заминдан руҳи ва қалби узилган киши космо-политик кимсага айланади. Унга энди киндик қони томан тупроқ, Ватан, она юрт, миллий қадриятлар, аҳдодлар олдидаги масъулият тушунчалари бе-ғона. У яшаши учун қулай манзилни макон тутайди, Ватанини-да бир ма-тоҳдек тез-тез алмаштиради. Худди елдек яшайди, қўллари бегона туп-роқларга қўйилади. Ана тилидан ай-рилишининг фожиаси шунда.

Бинобарин, хорижий тилни ўрга-ниш ана тилини билишни, уни ҳур-мат қилишни инкор этмаслиги керак. Бунинг учун болага ана шу туйғулар-ни туғилганидан бошлаб сингдириши-миз шарт. Шахсан мен ҳар қандай ўзбек фарзанди беш-олти ёшгача она тилимизни пухта ўзлаштириши, сўзлардаги жозибани, моҳият қўла-мдорлигини ҳис қила оладиган инсон бўлиб ўлғайиши зарур, деб ҳисоблай-ман. Болани мактаб давридан бош-лаб хорижий тилларга қизиқтириш, ўргатиш ҳам кеч бўлмайди, назара-римда.

Фольклор инсонларда ана тилига муҳаббатни тарбиялаш билан бирга, миллий лисонимизнинг кенг имкони-ятларини, нафосатини, сўзларимиз-нинг серқирра маъноларини ҳам кўрсатиб беради. Масалан, қўшиқда қўйлабди:

Таассуфки, бугун таълим-тарбия, миллий ғоя тарғиботида халқ оғзаки ижодиға оид улкан меросдан етар-лича фойдаланилмаяпти. Корейслар Жумонгни катта сериал қилди. Уни телевизорда кўрган болаларимиз, ҳатто корейсча қўшиқлар қўйлайди-ган бўлишди. Халқимиз бисотида мазмунан Жумонгдан-да кучли, шак-лан қўламдор қанчадан-қанча эпос-ларимиз, қаҳрамонлик дostonлари-миз, афсоналаримиз бор. Нега улар асосида бадиий фильмлар, сериал-лар тасвирга олмаймиз?! Биргина “Гўрўғли” туркумидаги дostonларнинг сони 120 та, вариантлари билан қўшиб ҳисобласак, 400 қяиш катта ки-тоб бўлади. Уларда тайёр сюжетлар, ўзига хос образлар, беқиеъс тимиол-лар жамулжам. Таъбир жоиз бўлса, биз улкан хазина устида яланғоч ўтирган одамга ўхшаймиз. “Олдин-дан оққан сувнинг қадри йўқ”, дегани шу. Соҳанинг нонини еган ижодкорлар, аввало, уларни билиши, озгина изланиши лозим.

Ватан, халқ, миллат олдидаги масъули-ятни, бурчини чуқур англаши керак. Албатта, эпос-ларимиз кино ёки мульт-фильм қилиб қайта ишланар экан, бунда за-монавий техни-ка-технология-лар ютуқлари-дан, бугунги ил-гор андозлар-дан унумли фой-даланиш талаб этилади. Уларни кўриб, томошабин зерикмаслиги, энса-си қотмаслиги шарт.

— *Халқ оғзаки ижоди намуналарининг кучи, қўдрати, нафосати, зўзаллигини ан-лаш она тилимизни яхши билиш, унинг сўз бойлиги ва имкониётла-рини идрок этиш, миллий лисонимиз латофатини, таъмини ҳис қилиш билан бевосита боғлиқ. Аммо бугун қўйлаб боғчаю мактабларда болаларимизга хорижий тилларни ўқитишча зўр берилмоқда. Соҳанинг жоизкуяр олими сифатида бу ҳолат сизни қан-чалик ташвишга солади?*

— Бу жуда нозик ва оғриқли маса-ла. Киши ана тилидан узоқлашди-ми, нафакат фольклордан, балки ўзлгичи-дан, миллий ғуруридан, қадриятлари-дан, ҳатто инсоний қиёфасидан ҳам маҳрум бўлади. Миллий заминдан руҳи ва қалби узилган киши космо-политик кимсага айланади. Унга энди киндик қони томан тупроқ, Ватан, она юрт, миллий қадриятлар, аҳдодлар олдидаги масъулият тушунчалари бе-ғона. У яшаши учун қулай манзилни макон тутайди, Ватанини-да бир ма-тоҳдек тез-тез алмаштиради. Худди елдек яшайди, қўллари бегона туп-роқларга қўйилади. Ана тилидан ай-рилишининг фожиаси шунда.

Бинобарин, хорижий тилни ўрга-ниш ана тилини билишни, уни ҳур-мат қилишни инкор этмаслиги керак. Бунинг учун болага ана шу туйғулар-ни туғилганидан бошлаб сингдириши-миз шарт. Шахсан мен ҳар қандай ўзбек фарзанди беш-олти ёшгача она тилимизни пухта ўзлаштириши, сўзлардаги жозибани, моҳият қўла-мдорлигини ҳис қила оладиган инсон бўлиб ўлғайиши зарур, деб ҳисоблай-ман. Болани мактаб давридан бош-лаб хорижий тилларга қизиқтириш, ўргатиш ҳам кеч бўлмайди, назара-римда.

Фольклор инсонларда ана тилига муҳаббатни тарбиялаш билан бирга, миллий лисонимизнинг кенг имкони-ятларини, нафосатини, сўзларимиз-нинг серқирра маъноларини ҳам кўрсатиб беради. Масалан, қўшиқда қўйлабди:

Отма мени тошлар билан,  
Учиб кетай қушлар билан,  
Қушлар қайтса, мен қайтмасам,  
Қўшинг тўлсин ёшлар билан.

Банд сўзларидаги маъно товлан-ишлари кишини ҳайратга солади. Дono халқ образли фикрлайди, жум-ладан, юқоридида қўшиқ бандида ҳам бу яққол намоён бўлган. Бунда “тош” сўзи рамзий маънога эга. У маломат-ни, ўринсиз гина-қудуратни ифода-лаган. Қўшиқнинг лирик қаҳрамони бевафо ёрига нолалар қилиб, мало-мат тошларини ёғдирмаслигини, ай-рилиқдан, ҳижрондан охир-оқибат афсус-надомат чекиб қолишини айт-моқда. Она тилимизнинг жозибадор-лиги шундаки, сўзларимиз сермаъно, серқатлам. Сўзлашувда “Тошингни тер”, “Тоши оғир”, “Тош қўнгил”, “Бор-

ган жойингда тошдай қот”, “Оёғимга тош бўлдинг” каби калом ва ибора-ларни кўп қўлаймиз. Одамларимиз-да узоқ сафарга кетаётган яқинининг изларига сўз сепиш, ёмон кўрган ки-шисининг ордидан эса тош отиш ода-ти бор. Хоразмда “Этагимдаги тош-ни тўқдим” ибораси “Ўртадаги араз-ни унутдим, ярашдим” мазмунини бе-ради. Демак, биргина тош сўзи ғам-ташвиш, иш-юмуш, сабр-бардош, юк-оғирлик каби турфа маъноларни та-шййди.

Фольклор бизга ана шундай ба-диият мўъжизаларини ҳам илинади. Демак, халқ оғзаки ижоди миллат та-факкури, эҳқиятинини чарқловчи, ҳу-сусан, она тилимизнинг сўз бойлиги-ни ажодлардан авлодларга етказув-чидир. Бахшиллар халқро анжуман-ларда дostonларимизни, термалари-мизни қўйлашар экан, халқимизнинг азалий қадриятлари, ўзлиги, орзу-мақсадларини тараннум этиш билан бирга, тилимизни ҳам тарғиб қила-ди. Миллий суҳанимизнинг ўзига хос-лигини, устувор жихатларини, гўзал-лигини, латофатини, кучу қудратини кўрсатади, исботлайди, бошқаларни ҳам шунга ишонттиради.

Биз бугун жаҳонда миллийлиги-мизни, ўз менимиз ва қиёфамизни сақлай олсаккина, миллат сифатида яшаб қоламиз. Дунёда ўзбек деган буюк миллат ва унинг жаҳон тамад-дунига улкан туртки берган миллий тафаккури, улугвор қарашлари бор-лигини намоён этишда эса фольклор-га тенг келадиғани йўқ.

— *Ҳар қандай миллий адабиёт-нинг, адабий тафаккурнинг илдиз-лари халқ оғзаки ижодида сув ича-ди. Бугун бадииятимиз бўстонидо уяётган нихолар — ёш шоир ва ёзувчиларимиз миллий фольклоримиз-ни қанчалик билди, деб ўйлайсиз? Фольклоримиз ҳодисаси ҳозирги ўзбек шеърлятида, настрида қанчалик акс этмоқда? Бу борада қузатувларин-гиз борми?*

— Бугун яратилаётган асарларнинг савияси, миллий ва умумбашарий ғоялар, мотивлар, образлар билан тўйинганини уларнинг ўқувчилар қал-бига қанчалик кириб бораётганини кўрсатади. Фольклоризми жуда жўн тушунмаслик керак. Айниқса, бугун-ги адабий жараёнда. Фольклоризм асарда халқ мақолларидан фойда-ланиш ёки афсона ва ривоятларни шеър-га айлантиришига эмас. Фольклоризм асарнинг моҳиятида турши керак, мазмун, ғоясига син-гиши ва синтезланиши зарур. Халқ оғзаки ижодининг мотивлари, ғояла-ри, тимиоллари асарга шундай ма-ҳорат билан пайванд қилиниши ке-ракки, у бир қарашда сезилмаслиги лозим. Мен ёзувчи Назар Эшонқул-нинг ҳижояларида, романларида мана шу моҳият билан сингилган ҳолатни кўраман. Фаҳриёрнинг шеърларини модерн йўналишида ёзилган деб ўйлайсиз, лекин уларнинг моҳияти-да, образларида соф фольклор ту-ради. Бу ижодкорнинг аслиятимизга хос билимларга эғалиги, сўзни ҳис этишидан туғилади. Албатта, беш қўл баробар эмас. Ён-веримизда сўзни кўнча яланғоч хайдалганларни ҳам учратамиз. Бироқ бу муқаддас неъматни ҳор қилмаслигимиз керак. Сўзининг муқаддаслигини билган ижодкор унинг қувватини қадр-лайди.

Биз суҳбатимизни бахшилар ҳақида бошлаган эдик. Бахши сўзини севган, ардоқлаган инсон. У борлиқ-ни қалб қўйи билан кўради, идрок қилади. Бахшиларнинг илоҳийлашти-рилиши бежиз эмас. Чунки улар сўзни илоҳийлаштирган, кўйни илоҳийлаш-тирган одамлардир.

Мамлакатимизда бахшичилик санъатига эътибор қаратилаётган экан, бу асл ўзлгимизга, ўзлигимизга қайтаётганимиздан далолат беради. Ўзининг ибтидосини, кимлигини, қу-ватини англаган одам кучли одам бўлади. Жумладан, халқ ҳам. Кимли-гини билган халқ қадрини ҳам била-ди, кучини кўрсатади ва жаҳонда ўрнини ҳам топади.

Биз тарих гилдирагининг янги босқичга кўтарилиш палласида туриб-миз. Биз ёруғ истиқболга мўносиб-мизми ёки йўқми? Тузамизми ёки бу-замизми? Тарих гилдираги ҳаммамиз-ни сиғитиб олиб чиқиб кетаверади. Лекин қай ҳолатда чиқишни, ким бўлиб чиқишни танлашимиз керак. Бунинг учун ҳар биримиз, аввало, ўзи-мизни англашимиз лозим. Ўзликини англашда эса фольклорнинг жуда кат-та ўрни бор. Бу шунчаки оғизда айтиш билан кечмайди, фольклорни қалбга, руҳга сингдириш билан юз беради. Зотан, азалий орзу-умидла-римизнинг рўёби айнан шунга боғ-лиқ.

Дилшод КАРИМОВ  
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.



## Халқаро ёшлар бирдамлиги куни нишонланди

Замонавий дунёда ёшлар бир қатор муаммо-лар билан тўқнаш келаётир. Буни ўзлари ҳал қилишга мажбур бўлмоқда. Шу боис ҳар йили 24 апрель куни жаҳонда Халқаро ёшлар бирдам-лик куни нишонланиб келинади. Жаҳон демокра-тик ёшлар федерацияси томонидан илгари су-рилган ташаббусдан муддао — жаҳон жамоатчи-лиги эътиборини ёшлар масалаларини ҳал қилишга қаратишдир.

Мазкур санани нишонлаш 1955 йилда Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунг конференцияси якуний ҳужжа-тида мустаҳкамланган. Ва ilk бор Халқаро ёшлар бирдам-лик куни 1957 йилда “Тинчлик учун, колониализмга қарши курашиш йўлида Халқаро ёшлар бирдамлик куни” сифати-да нишонланади. Шундан кейин ҳар йили ёшлар анжуман-лари, концертлар, байрам тадбирлари ўтказиб келинади.

Тахлилчиларнинг фикрича, замонавий ёшлар таълим-тар-бия, бағрикенглик, маданият ва ватанпарварлик масаласи-да бир қатор муаммолар билан тўқнашмоқда. Театр ва му-зейларга ташриф буюриш, диққатга сазовор жойларни то-моша қилиш, ҳарбий хизматда бўлиш ўрнига ёшлар кун-бўйи компьютер ва телевизор қаршисида қимматбаҳо вақти-ни беҳудга сарфламоқда. Қўнчаларда бемақсад юрган, спирт-ли ичимликларга, тамаки маҳсулотлари ва гиеҳхалликка берилган ёшлар борлигидан ҳам асло қўз юмиш керак эмас.

## Бугун Рим папаси Франциск дафн этилади

21 апрель куни Рим папаси Франциск 88 ёшда Ватикандаги қароргоҳи — Каса-Санта-Мартада оламдан ўтган эди. Унинг дафн маросими бугун бўлиб ўтади.

Франциск (аслида Хорхе Марио Берголо) саломатли-гидаги муаммолар туғайли тахдан воз кечган Бенедикт XVI ўрнига 2013 йил марти-да Рим папалигига сайлан-ган. Шу тариқа у католик черковининг Лотин Амери-кадан чиққан биринчи раҳ-бар бўлган. Жорий йил-нинг февраль ойи ўртала-рида Рим папаси Франциск бронхит ташҳиси билан шифохонага ётқизилганди. 38 кун давомида шифохо-нада қолганидан кейин 23 март куни Ватиканга

кайтди. 20 апрель куни у Ватикандаги Авлиё Пётр майдонига ййигилган жа-моат қаршисида сўнгги бор кўриниш берган эди. Дафн маросимидан сўнг тез кунларда Вати-канда янги папани сайлаш учун конклав қачирилиши кутилмоқда. Кейинги Рим папаси Африкадан ҳам бўлиши мумкин. Хозирда ушбу қитъадан уч киши номзод сифатида илгари сурилмоқда. Бу ҳақда “Fox News” порталида хабар берилди.

## Истанбулда 6,2 магнитудали зилзила содир бўлди

Қўшни вилоятларда ҳам сезилган зилзила маркази 6,99 километр чуқурликда жойлашган.

“Reuters” агентлиги хабариди қайд этилишича, бу 16 миллион аҳоли яшовчи шаҳарда сўнгги йилларда ку-затилган энг кучли ер силкинишларидан бири бўлди. Биринчи зилзиладан кейин магнитудаси 3,1 дан 4,9 гача бўлган ўнлаб афтершок қайд этилди.

Маълумотларга кўра ер ости силкинишлари ҳали да-вом этиши мумкин. Зилзилалар вақтида кўрқув сабаб 151 киши балиндикдан сақрагани ва тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилгани айтилади.

## Денгиз остида 18 километрлик туннель қурилмоқда

“Baltic News Network” порталида хабар беришля-рича, 7,4 млрд. доллар қийматидидаги лойиҳа, яъни Балтик денгизи тубидаги туннель йўл вақтини сези-ларли даражада қисқартиради ва Скандинавияни Марказий Европа билан яхшироқ боғлаш имконини беради. Таъкидланишича, объект дунёдаги энг узун модулли автомобиль ва темир йўл туннели бўлади.

Лойиҳанинг асосий қури-лиш майдони Даниянинг Жа-нуби-Шарқидида Лолланд ороли қирғоғида, туннелнинг Шиммий кириш қисмида жойлашган. Қурилиш ишла-ри 2029 йилда якунланиши режалаштирилган. Туннель ишга тушса Даниядаги Ред-бихавн ва Германиядаги Путтгартен ўртасидаги 45 дақиқалик паром саёхати ўрнига, йўл машинасида ати-ги 10 дақиқа ёки поездда етти дақиқа давом этади.

Фарбий Данияни четлаб ўтадиган янги темир йўл йўналиши, шунингдек, Ко-пенгаген ва Гамбург ўрта-сидаги йўл вақтининг икки баравар — 5 соатдан 2,5 соатгача қисқартиради. Туннель бўйлаб ҳар куни 100 дан ортқ поездлар ва 12 минг автомобиль ҳара-катланиши кутилмоқда.

## Ўрмон ёнғинлари давом этмоқда

“Ynet” нашрида ёзишларича, ғайриоддий юқори ҳаво ҳарорати туғайли бир вақтининг ўзида Исроилнинг бир нечта худудларида ёнғин содир бўлмоқда. Мамлакатнинг Бейт-Шемеш шаҳри яқинида ва қирғоқбўйи пасттекислигида жойлаш-ган аҳоли пунктларида яшовчи одамлар эвакуация қилингани айтилмоқда.

Хавф билан рўйра келаётган аҳоли пунктлари ораси-да Тарум, Бейт-Мейр, Эштаол, Месиллат-Цийон, Педая ва Петахия шаҳарлари ҳам бор. Одамлар шиддат билан тарқалаётган ёнғиндан қочиб, уйларини шошилинч тарк этишга мажбур бўлмоқда. Ёнғин-қуққарув хизмати оловни жийовлаш ва тураржой мазееларига киришига йўл қўйма-лик учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширяпти.

Ўрмон ёнғинлари мамлакатда транспорт алоқасининг жиддий бўзилишига олиб келди. Баъзи магистраль ва темир йўлларда ҳаракат бутунлай тўхтатилган. Ёнғин оқибатида ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар ҳақида расмий маълумот берилмади.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТҲЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



# ТҮҲ-КИМГА – ҲАШАМ, КИМГА – СИТАМ?!

Маҳмудхўжа Бехбудий тўйларга нисбатан шундай таъриф берганди: “Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупойилардек тараққий этармиз ва ўзимизда, динимизда обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайду”. Маърифатпарвар айтган бу сўзлар юз йил ўтиб ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу дабдаба ортидаги маданий, ижтимоий ҳамда иқтисодий муаммоларни олдимизга янаям кескинроқ, янаям очикроқ ва янаям кўндаланг қўймоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан яқинда имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилгани ҳам бежиз эмас.

## Долзарб мавзу

Ҳозир шаҳар ва қишлоқларимизда дабдабали тўй қилганларга разм солсангиз, оиладаги носоғлом мухитни, мардикорликда юрганини кўрасиз. Халқимиз феъл-атворига хос қусурлар, урф-одатларимиз таркибидagi бундай қоқликдан фориғ бўлиши учун маҳалла институти оёққа турган. Ортиқча дабдабаю асбасадан воз кечиб, жамият, умуман, кундалик турмуш тарзимизни янги ўзганга солиш учун қанчадан-қанча ҳукумат қарорлари, фармонлари эълон қилинмоқда. Барбери умр бўйи йиқганини бир кунлик тўйга сочиб, ўзгаларнинг ҳурматини қозониш қамай-мапяти.

### Ўша дабдаба, ўша асбас

Жамоатчилик фикрини писанд қилмасдан наинки ўзи, қуда-андаси ёки ёш келин-куёв, балки бутун жамиятга муаммо туғдираётган дабдабага ўч тўйчи-вонларнинг наҳотки тафаккурини ўзгартириш шу қадар мушкул бўлса? Бу иллатнинг туб замири, моҳияти, ўқилдида нима бор? Ёки обрўнинг бирдан-бир манбаи тўйми? Обрўни пул сочиб топаётганлар одамларнинг ҳурматини эмас, ўринли шубҳа ва нафратини кўзатади, ҳолос.

Ўтган йилнинг октябр ойида ижтимоий тармоқларда “Самарқандда 1 миллион долларлик тўй” номи остида видеолар ҳалар

тарқалди. Тўйда ўзини кўз-кўз қилиш учун пачкалаб пул сочаётган “бойвачча”ларни кўриб, ҳамма қойил қолди. Тўйга руҳ бериш, уни қизитиш учун отилган пиротехника воситалари меҳмонларнинг ҳаётини хавф остига қўйди. Тўй дастурхонига дунёнинг турли давлатларидан келтирилган ноёб матоҳлар, мева-чевалардан ташқари аквариумда тирик балиқ қўйилди.

Буниси ҳали ҳолва. Самарқанддаги туризм марказида бўлиб ўтган яна бир ҳашаматли тўйда келин-куёв меҳмонлар қаршисида кемада сузиб келди. Саҳна учун энг қиммат декорациялар қилинди. Санъаткорлар хориждан чакртирилиб, тўй эгаси шулар пойига бор-йўғини тўқди. Кимдир шунча имконияти, маблағи бор экан, қандини урсин, дейиши мумкин-дир, аммо дабдабали тўй қиламан деб тўйчининг боши бутун умр қарздан қимчаси, қарздорлигининг бошини ҳам қилиб қўйса, бундан кимга нарф?

— Бугун ҳар ким истандeк тўй қилиши мумкин. Лекин ҳаммиса бундай исроф ва шўхлик бор жойда имон, инсоф йўқолади, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Дилшод Исмоилов. —



Тўйларни ихчам ва мазмунли ўтказиш учун қатор тарғибот ишларини олиб боряпмиз. Ҳатто маҳалладаги қайовиларга ҳам тушунтирдик. Афсуски, бу борадаги иллатлар қамайиш ўрнига кўпаймоқда. Тўйларни дабдаба ва исрофгарчилик билан ўтказиш нозмақбул иш. Аллоҳ берган неъматларнинг уволдан қўрқиш керак.

### Иллат, дард, бало!

Фақат Самарқандда эмас, балки бошқа жойларда ҳам шундай дабдаба, исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Фарғона vodiysida тўйдан сўнг қиз узатган хонадон куёв томонга 40 кун сара ва тансиқ таомлар юборади. Бунди Андижонда “мазар” дейишди. Хоразмда “қиз йигин”, “хина ёқар” маросимлари ҳам миллионлаб маблағлар сарфланади. Қашқадарёда ҳам совчиликдан тортиб, то тўй-ҳашаматча ва ундан кейинги жараёнларнинг деярли ҳар бир нуқтасида шундай ёқимсиз манзараларга дуч

келинаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шаҳрисабз марказидаги Окдaрe, Янгиқишлоқ, Равот ва Абзият маҳалларида келин томондан уйни тўлдириш, куёвга бериладиган сарпо ва мебель учун ўрта ҳисобда 25 — 30 миллион сўм сарфланади. Чироқчи марказидаги Чоштепа, Янгиобод, Кишмиштепа, Ўзбекистон, Боғишамол каби маҳаллаларда сарпо ва мебель учун 20 — 30 миллион сўм пул кетади. Косондаги Пахтазор, Ширинобод, Дўстлик ва Месит маҳаллаларида айна шу мақсадда 30 — 40 мил-

таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар-чи? Қишлоқларда оддийроқ тўйга сарф бўладиган пулга бемалол бирор бизнес бошлаш мумкин.

### Бехуда совурилган миллионлар

2019 йил 14 сентябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори имзоланганди. Шунга қарамайдан дабдабабозликка бўлган интилиш қамаймапти. “Халқ сўзи” газетасининг жорий йил 8 феврал сонида Олий Мажлис Сенати қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев “Тўйларимиз маънавият, меҳр-оқибат тантанасига айланди” мақоласида ҳам тўй эгалари даромадларига яраша эмас, балки қарз олиб бўлса-да, катта сарф-харажат қилаётгани, бу тўйдан кейин баъзи келишмовчиликларга, оилада етишмовчиликларга сабаб бўлаётгани, оқибатда ёшларнинг ажрашиб кетишларига ҳам олиб келадиганини кўнчаллик билан тилга олади. Фарзандларнинг қамали, ёшларнинг бахтини ўткинчи моддиятга боғлаб, орттираётганимиз нима? Фақат қайғу, алам, гурбат... Ҳашаматларга ҳаддан зиёд берилиб, борган жойимиз суд идораси бўлмаяптими?

Юртимизда бир йилда ўртача 300 минг атрофида тўй маросимлари ўтказилар экан. Уларнинг умумий сарф-харажати қарийб 3 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Бу қайсидир ҳудуднинг бюджет, деганидир. Агар оддий пропорция билан ахримлар сони кўриб чиқилса, тўй харажатларининг жуда катта фоизи ҳавога учаёт-

ганига гувоҳ бўлиш мумкин.

— Самарқанд шаҳридаги Бекхў маҳалласига раис этиб сайланганимга уч йил бўляпти, — дейди Абдувоиз Дўстов. — Энди иш бошлаганимда фуқаролардан бири ўғлини уйлантирмоқчи эканини, аммо қўли калталиқ қилаётганини айтиб маслаҳат сўради. Одатда тўйларни қисқартириш ҳақида кўп гапирамуз лекин буни қандай амалга ошириш ҳақида жиддий ўйлаб кўрмаймиз. Кимдир қамроқ меҳмон қақирини маслаҳат беради, бошқаси шаҳардан ташқаридаги арзонроқ тўйхонани тавсия этади. Ўзим шаҳардаги бир нечта базмгоҳларга бориб, улардаги нарх-наво, хизмат кўрсатиш тартибини ўргандим. Кейин фоллар билан кенгашиб, уйда ўтказиладиган тўйга кетадиган харажатларни ҳисоблаб чиқдим — уч барабар арзон тушаркан! Бунинг тўй бошловчи бўлган фуқарога тушунтирдик. У бошида қариндош-уруғи, қўшнилар норози бўлишидан, оворагарчилик қўпайишидан хавотирга тушди. Тўйнинг бошида ўзим туришимни айтиб кўндирдим. Тўй ихчам ва миллий қадриятларимизга мос тарзда чиroyли ўтди. Бошқалар ҳам бундан ибрат олмоқда.

Карантин давридаги тўйларни бир эсланг. 30 кишилик тўй шу даражада яхши ўтдики, бор-йўғи 2 миллион сўм сарфлаб элга дастурхон ёзганлар бўлди. Бундан на биров хафа бўлди, на биров “тўйим олдий ўтди” деб нолди. Қани энди, ўша тартибда давом этганимизда, ҳашамдор тўйлар сони анча қисқарган бўларди...

Тўй — миллий урф-ода-тимиз. Уни қандай ўтказиш борасида ягона, қатъий нормалар белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас, албатта. Аммо тўйларни миллий қадриятлар асосида, камхарж, дабдабалардан холи ўтказиш ўзига ва оиласига оёсийшалик олиб келишини ҳар бир инсон онгли равишда тушуниб етмоғи лозим.

«Халқ сўзи».



## Дунё гимнастикачилари — Тошкентда

Пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоги мусобақаларининг учинчи босқичига старт берилди.



Мазкур нуфузли мусобақада Ўзбекистон, АҚШ, Австралия, Австрия, Армения, Бельгия, Болгария, Венгрия, Германия, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон, Мексика, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Озарбайжон, Польша, Сингапур, Туркия, Филиппин, Япония каби давлатлардан келган юздан зиёд гимнастикачилар рақобатлашмоқда.

Дастурга кўра кеча ушбу беллашувнинг саралаш босқичи ва тантанали очилиш маросими ўтказилди. Бугун-

дан спортчилар медаллар учун курашни бошлашади. Маълумот учун, жорий йилги жаҳон кубоги мусобақаларининг илк босқичи шу ойнинг бошида Болгарияда ўтказилган бўлиб, унда ҳамюртимиз Тахмина Икромова булада кумуш, кўпкураш ва тўп билан чиқишда бронза медалларини қўлга киритганди.

Жаҳон кубогининг иккинчи босқичи 16 — 19 апрель кунлари Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтди.

## Полвонларимизга тенг келадигани топилмади



Ашхободда МДХ давлатлари спортчилари ўртасида туркман миллий спорт тури — гуреш ҳамда алиш бўйича халқаро турнир ўтказилди.

Беллашувда Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси раиси Р. Дастиров етакчилигидаги 25 нафар спортчимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Ўн беш давлатдан 200 дан ортиқ курашчилар қатнашган беллашувларда юртимиз вакиллари Ойбек Султонов, Фарангиз Абдунабиева, Манзураой Мўйдинова, Дилафруз Мамажонов ва ўз вази тоифаларида олтин медалларни қўлга киритди. Шундай қилиб юртимиз вакиллари тўртта олтин ва саккизта бронза медалларига эга чиқди. Яқунда голиб ҳамда совриндорларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

## Таэквондо: мурасасиз беллашувлар

Хитойнинг Таян шаҳрида таэквондо WT бўйича Осиё минтақаси учун Бутунжаҳон таэквондо федерацияси Президенти кубоги учун ташкил этилган турнир якунланди.



Мусобақанинг иккинчи кунда Ўзбекистон терма жамоаси 2 та олтин (Жаҳонгир Худойбердиев, Озода Собиржонов) ва 1 та (Светлана Осипова) бронза медалларини қўлга киритди.

Шу тариқа жамоамиз мазкур мусобақани 4 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза, жами 8 та медал билан якунлади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

# «ҚУМДАРЁ»ДА НИМА ГАП?

Газетамизнинг шу йил 2 апрель кунги (№ 67) сониди муҳбириимиз Жаҳонгир Боймуродовнинг бир гуруҳ фуқаролар мурожаатлари асосида ёзилган “Эгасиз қолган ўрмон ерлари талон-торож қилинмоқда” сарлавҳали мақоласи чоп этилган эди. Унда Қашқадарё вилоятининг Кўкдала туманида “Қумдарё” давлат ўрмон хўжалигига тегишли бўлган ерлар ноқонуний эгаллаб олинаётгани ва уй-жойлар қуриладигани ҳақида баён қилинади. Ушбу мақолада айтиб ўтилган ҳолатлар юзасидан юборган сўровларимизга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлигининг жавоб хати келди.

## Тахририят почтасидан

Ўрмон хўжалиги агентлигининг жавоб хатида директор ўринбосари Ф. Қурбанов ҳолат мутахассислар томонидан ўрганилиб, ҳудудда ноқонуний қурилышларни амалга оширган фуқароларга тегишли тартибда чоралар қўрилгани ҳамда бу ҳақда агентликнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифасида муносабат билдирилганини маълум қилган. Шунингдек, хатда тахририят жамоасига қонунбузилиш ҳолатини фож этиб, кенг омма-

га олиб чиқилгани учун миннатдорлик билдирилган. Бош прокуратура томонидан тахририятга йўлланган жавоб хатида эса мақолада кўрсатилган ҳолатлар Кўкдала тумани прокуратураси томонидан терговга қадар текшириш йўли билан ўрганилгани хабар қилинган.

Маълум бўлишича, Чироқчи тумани ҳокимияти 2019 йил 1 июндаги қарорига кўра, “Қумдарё” давлат ўрмон хўжалигига жами 28 525 гектар ер майдони дои-



рий эгалик ҳуқуқи асосида ажратилган. Кадастр агентлигининг ҳудудий бўлинмаси ва “Қумдарё” давлат ўрмон хўжалиги мутахассислари иштирокида ўрмон хўжалиги ер майдонлари хатловдан ўтказилганда 2022 йилда 2 ҳолатда 0,14 гектар, 2023 йилда 32 ҳолатда 19,6 гектар, 2024 йилда 27 ҳолатда 52,3 гектар, 2025 йилда 5 ҳолатда 0,7 гектар — жами 66 ҳолатда 72,8 гектар ер майдони фуқаролар томонидан ўзбошимчилик билан эгаллаб олингани аниқланган. Шундан 6 та ҳолат бўйича 40,7 гектар ер майдони ихтиёрий равишда қайтарилган бўлса, 60 та ҳолат бўйича кадастр бўлими орқали Фуқаролик ишла-

ри бўйича туманлараро судга даъво аризалари киритилиб, ушбу аризалар қаноатлантирилган.

Шу жумладан, мақолада мурожаат билан чиққан фуқаролар — У. Ботиров “Қумдарё” давлат ўрмон хўжалигига қарашли 1,82 гектар ерни шартнома асосида олиб, 410 квадрат метр майдонда, Б. Боборахматов эса 1,1 гектар ерни шартнома асосида олиб, 56 квадрат метр майдонда ўзбошимчилик билан уй-жой ва бошқа биноларни ноқонуний қургани аниқланган. Фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судининг 2023 йил 22 ноябрдаги ва 2024 йил 17 декабрдаги хал қилув қарорларига асосан бу биноларни

мажбурий тартибда буздириш белгиланган.

Ўтказилган терговга қадар текшириш харажатлари давомида “Хўжаобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ер майдонида ноқонуний қурилиш ишларини амалга оширган фуқаролардан 3 нафари аниқланиб, уларга тегишли тартибда маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

Бош прокуратура, шунингдек, ўз жавоб хатида “Халқ сўзи” газетасининг “YouTube”даги расмий канали орқали узатилган “Хўжаобод” МФЙ ҳудудида жойлашган “Қумдарё” ўрмон хўжалигига тегишли ер майдонлари ноқонуний сотиб юборилаётгани тўғрисидаги видеоларда баён этилган ҳолатлар ўз тасдиқини топмаганлиги сабабли жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилингани билдирган.

Мақолада кўтарилган муаммо юзасидан Қашқадарё вилояти ҳокимлигига йўллаган сўровимизга, афсуски, ҳамон жавоб олмадик.

«Халқ сўзи».

Мамлакатимизда «Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!» шиори остида «Соғломлаштириш ойлиги»га старт берилди.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 13 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган қўёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мазкaб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термал ҳама оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.  
Мусахҳис — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6